



ФУҚАРОЛАРНИНГ ЭЪТИҚОД ВА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

Худайбердиева Гулнора Аманмуродовна¹

¹Тошкент давлат юридик университети
Ихтисослаштирилган филиали доценти,
юридик фанлар номзоди
xgulnora@gmail.com

Бобоқулова Мадина²

²Тошкент давлат юридик университети
ихтисослаштирилган филиали 1-курс талабаси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7345170>

Аннотация: Мақолада фуқароларнинг эътиқод ва виждон эркинлигининг вужуда келиши, миллий ва халқаро қонунчилик асосида таҳлил қилинган ва фуқароларнинг эътиқод ва виждон эркинлиги билан боғлиқ муаммолар очиб берилган.

Калит сўз ва иборалар: эътиқод, виждон эркинлиги, дунёқараш халқаро Пакт, маънавий мулк, фуқароларнинг уюшиши, дунёвий давлат, дин, дунёвий давлат, контрабанда.

Аннотация: В статье анализируется приход свободы веры и совести граждан в тело, на основе национального и международного законодательства, и раскрываются проблемы, связанные со свободой веры и совести граждан.

Ключевые слова и выражения: вера, свобода совести, мировоззрение Международный Пакт, духовная собственность, объединение граждан, светское государство, религия, светское государство, контрабанда.

Annotation: The article analyzes the arrival of freedom of faith and conscience of citizens in the body, on the basis of national and international legislation, and reveals the problems associated with the freedom of faith and conscience of citizens.

Key words: faith, freedom of conscience, worldview International Pact, spiritual property, association of citizens, secular state, religion, secular state, smuggling.

Эътиқод ва виждон эркинлиги ҳар бир кишининг энг муҳим эркинлиги ҳисобланади. Инсон ўз онги, дунёқараши билан қайси динга кириши, эътиқод килиши ёки ундан чиқишини ўзи мустақил ҳал қилади. Ҳеч ким бировнинг диний эътиқодига қарши фаолият олиб бориши ёки уни зўрлаб бошқа динга олиб киришига йўл қўйилмайди.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 18-моддасига мувофиқ «Дин ёки эътиқодга сиғиниш эрки қонунда белгилаб



қўйилган ва жамоат хавфсизлигини сақлаш, тартиб, сиҳат-саломатлик ва ахлоқ одобни сақлаш учун, айтилиши вақтда бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини сақлаш учун зарур бўлган чекланишларгагина нозил бўлади».

Кўриниб турибдики, қатор халқаро ҳужжатларда инсоннинг виждон эркинлиги, яъни динга алоқадорлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Инсоннинг муҳим бу эркинлиги республикамиз Конституциясининг 31-моддасида «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаганда динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди», дейилган. Қисқа қилиб айтганда, виждон эркинлиги инсоннинг маънавий мулки ҳисобланади ва у ҳар қандай кўринишда намойиш этилиши мумкин. Ҳар бир инсоннинг виждон эркинлигини амалга ошириши унинг ўзи учун мустақил эътиқод қилишни англатади.

Фуқароларнинг эътиқод ва виждон эркинлиги аввало ҳар бир давлатнинг қонунларида мустаҳкамланиши билан таъминланади, давлатнинг кафолати яратилади. Хусусан, республикамизда виждон эркинлигининг кафолатларини берувчи алоҳида “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун мустақиллик арафаларида, яъни 1991 йил 14 июнда қабул қилинган эди.

Республикамизда динга муносабат тубдан ўзгаргани, фуқароларнинг бундай эркинлигини амалда янада кенгроқ таъминлаш мақсадида 2021 йил 5 июлда ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Аввалги қонун 30 моддадан иборат бўлса, янги таҳрирдаги қонун 35 моддадан иборат бўлди. Янги таҳрирдаги қонуннинг қабул қилиниши ҳар бир инсоннинг виждон эркинлиги билан боғлиқ янги муносабатларни ҳам келтириб чиқарди, давлатнинг бу соҳадаги кафолатлари янада кенгайтирилди, диний ташкилотларга фуқароларнинг уюшиши каби янги меъёрлар мустаҳкамланди.

Қонуннинг 4-моддасида “фуқаро ўзининг динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русмлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди”, дейилади.

Қонунчиликка кўра дин давлатдан ажратилган. Давлат диний конфессиялар ўртасида тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир



диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган ёки бошқа миссионерлик ҳаракати ман этилади.

Кўриниб турибдики, давлат ўз қонунларида инсоннинг эътиқод ва виждон эркинлигини алоҳида қонунларда мустаҳкамлаб қўйиши орқали уларга кафолат беради.

Мамлакатимизда турли динларга мансуб бўлган катта-катта тадбирлар, диний бағрикенгликка асосланган маърифий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Ҳар бир кишининг диний қарашлари унинг хусусий иши бўлиб, у қонун билан кафолатланган.

Виждон эркинлигига қарши фаолият учун тегишли жавобгарлик белгиланган. Юқорида биз виждон ва эътиқод эркинлигининг қонуний кафолатларини кўриб чиқдик. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, виждон эркинлиги ҳам давлат томонидан кафолатланади, ҳам бошқаларнинг диндорлар, уларнинг қарашлари, уларнинг фаолиятларига ташқи томондан олиб борилган қарши фаолият тақиқланади. Ўзбекистон Конституциясининг 57-моддасида диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади, дейилган. Биз динни сиёсатлаштириш, диндан ҳокимият учун курашиш қандай салбий оқибатларга олиб келганини яхши биламиз.

Ўзбекистон дунёвий давлат сифатида ривожланар экан, дин билан муносабатни қуйидаги 5 тамойилларга таянган ҳолда амалга ошираётганини кўриш мумкин:

-диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;

-диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки диний уюшмаларнинг хусусий иши деб тан олиш;

-диний қарашларга амал қилувчилар ёки амал қилмайдиганларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

-диний уюшмалар имкониятидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш;

-диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Бу тамойиллар асосан қонунда меъёрлар сифатида ўз аксини топган. қонуннинг талаби шуки, давлат органлари ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ўз ҳудудларида қонунга риоя қилиниши учун масъулдирлар, деб 6-моддада мустаҳкамланган.



Демак, жойларда дин билан боғлиқ ҳар қандай тадбир қонун доирасида амалга оширилиши ва давлат органлари назорати бўлиши муҳимдир.

Виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳар қандай қайриқонуний ҳаракатлар қонун билан тақиқланади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 145, 216-моддаси (фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш), 246-модда контрабанда деб аталади ва унда «диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни олиб кириш» каби ҳаракатлар, 244-пирим 2-тақиқланган ташкилотлар тузиш, 216-пирим 1-моддасига биноан нолегиал диний фаолият билан шуғулланиш, 216-пирим 2-модда бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар ва бошқа миссионерлик ҳаракати билан шуғулланиш ёки махсус диний билим бўлмаётган туриб диний таълим берганлик каби қатор ҳаракатларга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган.

Дунёда кейинги йилларда содир бўлаётган катта-катта террористик актлар ортида албатта диний ақидапарастлик, ҳокимият учун кураш, инсониятни таҳдидда ушлаб туришга бўлган интилишлар турибди. Ҳатто катта динларнинг маркази бўлган, шу динларнинг дунё бўйича ёйилишини рағбатлантириб келган мамлакатлар ҳукуматлари ҳам бугун бу масалага жиддий ёндаша бошладилар. Мамлакатимиз тажрибасидан биламизки, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишнинг олди олинмас экан, у албатта бошқа динларга ҳам, бошқа диндорларга ҳам қонуний фаолиятда раҳна солиб тураверади.

Мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлашга оид алоҳида давлат сиёсати асослари мавжуд. Виждон эркинлигини таъминлашда албатта давлат сиёсати юритилади. Чунки, дунёвий ишларни амалга оширишда диний ишларни рағбатлантириб туриш лозим. Давлат томонидан ўтказиладиган ҳар қандай тадбир бу диндор шахслар ёки уларнинг оилаларига ҳам тегишлидир. Диндор фуқаро у диний эътиқод қилиши билан бирга, бошқа вақтларда дунёвий ишлар, меҳнат қилиш, дам олиш, соғлиғини тиклаш, билим олиш, касб-кор билан шуғулланиш каби ўнлаб ишлар билан машғул бўлади ва бунда давлат билан муносабатга киришади.

Давлат жамият осойишталигини таъминлашда диний ташкилотлар билан муроаса олиб боради. Кейинги пайтларда фуқароларнинг диний



эътиқод эркинлигини кафолатлашга қаратилган хайрли ҳужжатлар қабул қилинди.

2003 йилнинг 22 августида республикада “Дин соҳасидаги маънавий, маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Қарорда диний уюшмаларга бир қатор имтиёзлар берилди, солиқ масалалари янада ойдинлаштирилди. 2003 йилнинг 17 сентябрда Президентимизнинг “Имом Бухорий ёдгорлик мажмуини авайлаб ва янада ободонлаштириш, аллома меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ҳам катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60 28.01.2022 йил, Тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармонининг V- йўналиши, “Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш” деб номланиб, унинг 73-мақсадида: Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш. ИХТ, ИРСИКА, АЙСЕКСО, ЮНЕСКО каби дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва университетлари билан ҳамкорликда “Янги Ўзбекистон-Учинчи Ренессанс” шиори остида халқаро конференция, симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш.

Буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломалар қаламига мансуб 100 та асарнинг халқчил таржимасини амалга ошириш, улар асосида илмий ва оммабоп рисоалар яратиш. Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш тарғиб қилиш ишларини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ҳам кейинги кўйилган катта қадамлар бўлди.

Иқтибослар/Сноски/References:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2022 (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. –Т.: Uzbekistan, 2022).
- 2.Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш





тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори.
22.08.2003 йилдаги 364-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026” йилларга
мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги
Фармони ПФ-60, 28 январь 2022 й.

4. Amanmurodovna, X. G. (2022). O ‘ZBEKISTONDA ODIL SUDLOVNING
TA’MINLANGANLIGI DARAJASI. PEDAGOGS jurnali, 3(2), 214-224.

5. Худайбердиева, Г. А. (2021, October). ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР СУБЪЕКТЛАРИ
МУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ
БАЗАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. In International journal of conference series
on education and social sciences (Online) (Vol. 1, No. 1).

6. Gulnora, K. (2022, March). FEATURES OF MANAGEMENT OF
AUTHORS’PROPERTY RIGHTS ON A COLLECTIVE BASIS. In Conference Zone (pp.
100-104).

7. Зиядуллаев, М. (2021). Сильная социальная защита требование
времени. Общество и инновации, 2(5), 64-68.

